



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

ЖАМИЯТ

№ 19
(940)
2025 йил
15 май,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий газета

БИЗ АЛЛАҚАЧОН НАТИЖАЛАРНИ КЎРЯПМИЗ:

чанг бўронлари 35 фоизга камаймоқда,
25 мингта «яшил» иш ўринлари яратилмоқда ва
CO₂ чиқиндилари сезиларли даражада камаймоқда



Нью-Йорк шаҳрида (АҚШ) бўлиб ўтган БМТнинг Ўрмонлар бўйича форуми 20-сессияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Конго Республикаси билан биргаликда «БМТнинг ўрмонларни тиклаш ва ривожлантириш бўйича ўн йиллиги контекстида ўрмонларни барқарор бошқариш таъминловига мос келадиган глобал ўрмон мақсадларига эришиш» мавзу-



сида ёрдамчи тадбир ташкил қилди.

Тадбир ўрмонларни барқарор бошқариш доирасида амалга ошириладиган аниқ натижалар ва ташаббусларни тақдим этиш учун муҳим майдонга айланди.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ:

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШДА УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

Жаҳон иқтисодиётининг глобллашуви, турли инқирозлар, жумладан пандемия, табиий офатлар ҳамда геосиёсий муаммолар мамлакатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга бўлган эҳтиёжини кескин оширмоқда. Бундай шароитда озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи ҳар бир давлат учун стратегик аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси учун ҳам ушбу масала устувор аҳамиятга эга бўлиб, у мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги, аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигига бевосита таъсир кўрсатади. Шу боис давлат томонидан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида кенг қамровли ислохотлар ва чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, аграр сектор-

ни диверсификация қилиш, замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва агрологистика инфратузилмасини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги мувозанатни сақлаш, ички бозорда нархларни барқарорлаштириш ҳамда аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондиришга қаратилган мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида тўйиб овқатланмайдиган аҳоли улушини камайтириш бўйича аниқ стратегик мақсад белгилаб қўйилган. Унга мувофиқ, ушбу кўрсаткич-

ни 2023 йилдаги 2,5 фоиздан 2030 йилгача 1,5 фоизгача пасайтириш режалаштирилган. Бу кўрсаткич нафақат аҳоли саломатлиги ва турмуш даражасини ошириш, балки мамлакатда барқарор озиқ-овқат тизимини шакллантириш, ишлаб чиқариш, таъминот ва истеъмол занжирларини яхшилаш орқали умумий иқтисодий барқарорликка эришиш мақсадини ҳам ўзида мужассам этади. Ушбу мақсадга эришиш доирасида мамлакатда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, аграр кластер ва кооперация тизимларини жорий этиш, шунингдек, томорқа хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу орқали озиқ-овқат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ички бозорни барқарор маҳсулот таъминоти билан таъмин-



лаш ва аҳоли бандлигини кўпайтириш каби вазифалар бажарилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини ислох қилиш ва боғдорчиликни ривожлантиришга қаратилган тизимли давлат сиёсати натижасида нафақат ички бозордаги озиқ-овқат таъминоти барқарорлаштирилмоқда, балки экспорт салоҳияти ҳам изчил ортиб бормоқда. Мева-сабзавотчилик, полизчилик ва узумчилик йўналишларида рақобатбардош, юқори сифатли маҳсулотлар етиштиришга эришилмоқда. Айниқса, ташқи бозорларда талаб юқори бўлган органик ва қайта ишланган маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажми йилдан-йилга ўсиб бораётир.

Расмий маълумотларга кўра, 2023 йилда иқтисодиётда банд бўлган 14 миллион нафар аҳолининг 24 фоизи, яъни 3,4 миллион нафари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳаларида фаолият юритмоқда. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги тармоғининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улуши 19,2 фоизни ташкил этмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)

БИЗ АЛЛАҚАЧОН НАТИЖАЛАРНИ КЎРЯПМИЗ:

**чанг бўронлари 35 фоизга камаймоқда,
25 мингта «яшил» иш ўринлари
яратилмоқда ва CO₂ чиқиндилари
сезиларли даражада камаймоқда**



(Боши 1-саҳифада)

Конференцияда БМТга аъзо 120 дан ортиқ ташкилот ва мамлакат вакиллари, жумладан, Конго Ўрмон хўжалиги вазири Р.Матондо, БМТ Бош котиби ёрдамчиси И. Живкович, БМТ Атроф-муҳит дастури (UNEP) вакили Л.Наронха, БМТ Озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) Ўрмонлар департаменти директори J.Vu, СИТЕС халқаро ёввойи флора ва фауна савдосини бошқариш конвенцияси Бош котиби И.Игуеро ва Жаҳон банки бош иқтисодчиси П.Агостини иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири Азиз Абдуҳақимов ўз чиқиши-



да Ўзбекистон ташаббуси билан БМТга аъзо 102 давлат томонидан қўллаб-қувватланган барқарор ўрмон бошқаруви бўйича резолюция глобал ўрмонларни тиклашга қаратилган тарихий қадам эканлигини таъкидлади. Шунингдек, вазир мамлакатда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2021-йилдан бошлаб амалга оширилаётган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йили 200 миллион тупдан ортиқ дарахт экилаётгани, бу эса ўрмон қопламини 12 фоизга оширишга имкон берганини айтиб ўтди. Шунингдек, Орол денгизи қуриган тубида дунёдаги энг йирик ўрмонлаштириш лойиҳаси амалга оширилгани, бу ҳудудда 2 миллион гектар майдонда қурғоқчил иқлим

шароитига мос дарахтлар экилганини таъкидлади.

«Биз аллақачон натижаларни кўряпмиз: чанг бўронлари 35 фоизга камаймоқда, 25 мингта «яшил» иш ўринлари яратилмоқда ва CO₂ чиқиндилари сезиларли даражада камаймоқда», — деди А.Абдуҳақимов.



мов ва бу муваффақиятлар ортида нафақат қатъий мақсадлар, балки ҳукуматдан маҳаллий ҳамжамиятларгача бўлган барча даражаларда изчил ҳаракатлар турганини таъкидлади.

Конго Республикасининг Ўрмон хўжалиги вазири Р.Матондо Ўзбекистоннинг дўстона ҳамкорлиги учун миннатдорлик билдириб, икки давлатнинг ўрмонлаштириш ва ўрмонларни тиклаш бўйича БМТда эълон қилган ўн йиллик ташаббуси бутун дунё учун намуна бўлишига ишонч билдирди.

«Ўрмонларсиз иқлим ўзгаришига қарши курашиб бўлмайди. Биз



Ўзбекистон билан биргаликда бутун дунёга ўрмонлар тиклаш бўйича резолюция таклиф этдик, бу бизнинг халқимиз, жамиятимиз ва сайёрамиз учун имконият яратади. Энди эса амалий ҳаракатларга ўтиш вақти келди», — деди вазир.

БМТ Бош котиби ёрдамчиси И.Живкович Ўзбекистоннинг ташаббусини юқори баҳолаб, мамлакатнинг барқарор ўрмонларни тиклашдаги ҳиссасини, жумладан, БМТ Тараққиёт Дастури билан амалга оширилаётган ҳамкорликдаги лойиҳаларни эътироф этди. У, шунингдек, «Яшил макон» лойиҳасини ва Президент Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё талабалари томонидан Наврўз байрамида оммавий дарахт экиш бўйича янги ташаббусига алоҳида эътибор қаратди.

Жаҳон банки бош иқтисодчиси П.Агостини банкнинг Ўзбекистонда 153 миллион доллар миқдоридаги дастурини амалга ошираётганини ва бу дастур табиий ресурсларни муҳофаза қилишга ва «яшил» иш ўринларини яратишга қаратилган-

лигини маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистон тажрибаси бошқа минтақалар, жумладан, Саҳел ва Конго ҳавзаси учун ҳам мослаштирилиши мумкин.

CITES Бош котиби И.Игуеро Ўзбекистоннинг ташаббусларини 2025-йилнинг охирида Самарқандда бўлиб ўтадиган CITES Конвенциясининг 20-конференцияси учун муҳим аҳамиятга эга деб баҳолади. Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистоннинг ўрмонларни тиклашга қаратилган саъй-ҳаракатлари ноқонуний ёғоч савдоси билан курашиш ва биологик хилма-хилликни сақлашга тўғридан-тўғри ёрдам беради.

Конференция иштирокчиларининг фикрича, Ўзбекистон тажрибаси шуни кўрсатадики, экологик дастурларни муваффақиятли амалга ошириш учун нафақат расмий баёнотлар ва ҳужжатлар, балки давлат ва маҳаллий ҳамжамиятларда конкрет чоралар кўриш, самарали ва барқарор ҳаракатларни амалга ошириш лозим. БМТ ўз навбатида ўрмонларни тиклаш ва яшил қопламаларни сақлаш соҳасидаги ҳамкорликдаги лойиҳаларни янада кенгайтириш ниятини билдирди, бу эса иқлим ўзгариши ва табиий ресурслар деградациясига қарши глобал курашда муҳим аҳамиятга эга.

Тадбир якунида А.Абдуҳақимов келажакдаги Ўрмонларни тиклаш ўн йиллиги (2027–2036-йиллар) қатъий ҳаракатлар даври бўлиши кераклигини таъкидлади: «Ўзбекистон Орол денгизидан халқаро платформаларгача деградацияга учраган ерларни ҳаётга қайтариш мумкинлигини исботлади. Биз ўз тажрибамизни баҳам кўришга ва халқаро ҳамкорлар билан биргаликда олға интилишга тайёرمىз».

Ўз мухбиримиз.



ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ: БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШДА УСТУВОР ЙЎНАЛИШ



(Боши 1-саҳифада)

Бу эса ушбу соҳа озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан бирга, аҳоли бандлигини ошириш ва экспорт орқали валюта тушумларини кўпайтиришда ҳам муҳим роль ўйнаётганини англатади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, кластер ва кооперация тизимларини жорий этиш, замонавий агротехнологияларни кенг қўллаш, шунингдек, томорқа хўжаликларини қўллаб-қувватлаш орқали маҳсулот етиштириш ҳажми ва сифатини оширишга эришилмоқда. Бу чора-тадбирлар орқали нафақат аҳолини тўйинтириш, балки озиқ-овқат маҳсулотлари импортини қисқартириш ва миллий озиқ-овқат тизимининг мустаҳкамлигини таъминлаш мақсад қилинган.

2024 йил якунларига кўра, Ўзбекистонда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари ва хизматларининг умумий ҳажми 36,9 миллиард АҚШ доллари (467 041,5 миллиард сўм)ни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2023 йилга нисбатан 3,1 фоизга ўсганини англатади. Ушбу ўсиш, аввало, соҳани рақамлаштириш, кластер тизимининг кенг жорий этилиши ва экспортбоп маҳсулот етиштиришга қаратилган ислохотлар самарасидир.

Ўтган йилда Ўзбекистон 2 036,2 минг тонна мева ва сабзавотлар экспорт қилди. Бу 2023 йилга нисбатан 15,8 фоизга (278,5 минг тонна) кўпдир. Мева ва сабзавотлар экспортининг умумий қиймати 1 549,5 миллион долларни ташкил этди, бу ўтган йилга нисбатан 31,2 фоизга кўпроқдир. Бу ўсиш мамлакатнинг аграр секторига ишлаб чиқариш қўламининг ортиши ва экспорт салоҳиятининг яхшиланишини кўрсатади. Шунингдек, бу маҳсулотлар Ўзбекистоннинг жами экспортида 5,8 фоиз улушни ташкил этган. Ушбу ўсиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда давлат томонидан амалга оширилган ислохотлар, аграр кластер тизимини жорий этиш, замонавий агротехнологияларни қўллаш ва маҳсулотларни экспортга йўналтиришдаги муваффақиятларнинг натижасидир.

2025 йилда қабул қилинган “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун Ўзбекистондаги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва соҳага алоқадор ҳуқуқий муносабатларнинг асосини мустаҳкамлашда муҳим қадам ҳисобланади. Ушбу қонун, ўз навбатида, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини назорат қилишни кучайтиришга, барқарор ривожланишни таъминлашга ва миллий иқтисодиётда озиқ-овқат

тармоғининг ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган.

Шу билан бирга, мазкур қонун озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш орқали, мамлакатнинг озиқ-овқат секторини глобал бозорларга интеграция қилишга, халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқариш ва сифат назоратини кучайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон ва БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) билан ҳамкорлиги — мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва барқарор ривожланишга қаратилган стратегик сарф-ҳаракатларининг муҳим бир қисмидир. Ушбу ҳамкорлик, шунингдек, ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва уларни Ўзбекистоннинг миллий сиёсат ва амалиётига мослаштириш орқали амалга оширилмоқда.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ислохотлар

Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги соҳасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Биринчидан, анъанавий тарзда пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослаштирилган айрим ер майдонлари қисқартирилиб, ўрнига сабзавот, дуккакли ва полиз экинларини етиштиришга устувор аҳамият қаратиляпти. Бу эса озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳаллий бозорлардаги танқисликни бартараф этиш ва аҳоли таъминотини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалигида кластер ва кооперация тизимларининг жорий этилиши қайта ишлаш, сақлаш ва экспорт салоҳиятини сезиларли даражада оширди. 2025 йилда юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш режалаштирилган бўлиб, бу озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан биридир. Учинчидан, томорқа хўжаликларида давлат томонидан имтиёзли кредитлар ва субсидиялар берилмоқда. Бу эса аҳолининг ўз ерларида маҳсулот етиштириш ва маҳаллий бозорларни бойитишга имкон бермоқда.

Бундан ташқари, инновацион ечимлар ва замонавий технологиялар озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, блокчейн технологиясининг жорий этилиши маҳсулотлар сифатини назорат қилиш ва таъминот занжирини шаффофлашти-

ришда ўз самарасини бермоқда. Шу билан бирга, агрологистика тизимини такомиллаштириш, сақлаш иншоотларини модернизация қилиш орқали маҳсулот йўқотишларини камайтиришга эришилмоқда. Ушбу ислохотлар натижасида Ўзбекистон озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини таъминлаш даражасини сезиларли равишда оширди ва импортга бўлган қарамликни камайтиришга эришмоқди.

Озиқ-овқат сифати ва хавфсизлиги

Озиқ-овқат хавфсизлиги микдордан ташқари сифат ва хавфсизликка ҳам боғлиқ. Ўзбекистонда бу борада норматив-ҳуқуқий база мустаҳкамланган бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигига доир нормалар юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир. Санитария, ветеринария ва фитосанитария қоидаларига риоя этиш қатъий назорат қилинади.

НАССР ва GHP тизимлари озиқ-овқат ишлаб чиқаришда жорий қилинган бўлиб, маҳсулотларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва захарланиш ҳолатларини олдини олишга хизмат қилмоқда. Шунингдек, фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари озиқ-овқат сифати устидан жамоатчилик назоратини олиб боришда фоллиқ кўрсатиб келмоқда.

Соғлом овқатланишга эътибор кучайтирилиб, давлат томонидан тарғибот кампаниялари олиб борилмоқда, бу аҳолининг соғлом овқатланиш ҳақидаги билимларини оширмоқда.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги муҳим масалалар

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда бир қатор муҳим масалалар мавжуд. Биринчидан, иқлим ўзгариши, курғоқчилик ва сув танқислиги қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Иккинчидан, глобал инқирозлар — пандемия ва иқтисодий ноустуворлик, жаҳон иқтисодий тебранишлари озиқ-овқат таъминотида хавф туғдиради. Ўзбекистон бу хавфларни камайтириш мақсадида захиралар яратиш ва импортга бўлган қарамликни камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширмоқда.

Озиқ-овқат нархларининг кескин

ошиши аҳоли даромадларига таъсир қилиб, иқтисодий барқарорликни бузиши мумкин. Давлат имтиёзли кредитлар ва нархлар мониторинги орқали нархлар барқарорлигини таъминлашга ҳаракат қилмоқда. Камбағаллик даражаси ҳам муҳим муаммо бўлиб, 2025 йилда камбағалликни аниқлаш ва озиқ-овқатга эришишнинг иқтисодий қулайлигини ошириш вазифаси долзарб бўлиб турибди. Шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида илмий тадқиқотлар ва малакали кадрлар етишмаслиги ривожланишга салбий таъсир кўрсатмоқда, бунинг учун самарали ўқитиш ва тренинг дастурлари талаб этилади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича келгусидаги истиқболлар

Ўзбекистон 2030 йилгача озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланиш стратегиясини амалга оширмоқда. Ушбу стратегия аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш учун ресурслардан самарали фойдаланишни назарда тутди. Сувдан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш ва ер унумдорлигини ошириш озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш шулар жумласидандир.

Шунингдек, хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилиш орқали қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва экспортни икки баробарга ошириш режалаштирилган. Халқаро ташкилотлар, хусусан, ФАО билан ҳамкорликни кучайтириш очликка барҳам бериш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Аҳолини соғлом овқатланиш ва озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича тарғибот ишлари, шунингдек, малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳам муҳим масалалардан ҳисобланади. Бундан ташқари, рақамли технологиялар ва инновациялардан кенг фойдаланиш озиқ-овқат таъминоти занжирини янада самаралилаштиришга ёрдам беради.

Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва халқаро алоқалар, жумладан, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик, Ўзбекистоннинг озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва барқарор ривожланишини таъминлаш янги имкониятларни яратишга хизмат қилади.

Искандар ЎРОҚБОЕВ,
Барқарор ривожланиш маркази
эксперти



ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ



Жорий йилнинг 7-май куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларга бағишлаб ўтказган видеоселектор йиғилишида тиббиётнинг бирламчи бўғини ва ихтисослашган муассасаларда хизматлар сифатини ошириш, дори воситалари истеъмолини тартибга солиш ҳамда тиббий таълимни такомиллаштириш каби устувор вазифалар белгилаб берилди.

Муносабат

Бугунги кунда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, оналар ва болалар хасталикларини олдини олиш, тиббиётнинг бирламчи бўғинидан тортиб малакали тиббий хизмат кўрсатиш энг долзарб масалага айланди. Юртимизда оналар ва болалар саломатлиги муҳофазаси фавқулудда ҳолат сифатида белгиланди. Ўзбекистон ҳукумати ҳамда “Uzbekistan Vision 2030” жамғармаси томонидан “Ҳар бир она ва бола яшайди ва ривожланади, оналар ва болалар ўлимини қисқартириш” лойиҳаси доирасида энг сўнгги русумдаги тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш дастурлари доирасида туғруқ мажмуамизга ўтган йили Япония давлати гранти асосида 80 минг АҚШ доллари бешта замонавий тиббий жиҳозлар олиб келинди. Сунъий нафас бериш, чақалоқлар реанимацион столи, Когулятор сингари операция жа-

раёнларида фойдаланиладиган жиҳозлар фаолиятимиз самарадорлигини таъминламоқда. Бундан ташқари мажмуамизда “Ишонч-2030” лойиҳаси доирасида ичимлик суви, окова сув, узлуксиз электроэнергия, узлуксиз кислород таъминотига эришилди. 70 нафар шифокор, 200 нафар ҳамшира туғиш ёшидаги аёлларни гинеколог кўригидан ўтказиш, репродуктив саломатлик, туғруқлар ораллигини сақлаш, исталмаган ҳомиладорлиқнинг олдини олиш, гўдакларни парваришлаш ишларини олиб боришмоқда. Бунинг натижасида жорий йил тўрт ойи давомида 1681 нафар чақалоқлар соғлом дунёга келди. Бехатар оналик дастури тамойиллари доирасида ишларни йўлга қўйганмиз. Бу дегани туғруқ даврида онада ҳеч бир нуқсон бўлмаслиги керак, яъни соғлом ҳолда фарзандли бўлиши учун барча тиббий муолажа ва кўрикдан ўтказилади.

Аҳоли репродуктив саломатли-

гини мустаҳкамлаш йўлидаги тadbирларнинг самарасини ошириш, фарзандларни жисмонан соғлом, ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш ота-оналарнинг, маҳалла ва барчанинг асосий вазифаси ҳисобланади. Тиббиётда бола туғиш ораллиги камидан 8 йил бўлиши қайд этилган. Зеро, муқаддас китобларда ҳам бола туғиш ораллиги 3 йилдан кам бўлмаслиги, киз бола туғилса 24 ой, ўғил бола туғилса 28 ой она сути билан боқилиши айтилади. Албатта, бунда асосий эътибор она саломатлигига қаратилган, яъни эмизиш даврида аёл қайта ҳомиладор бўлмаслиги, заифлашган она организми куч олиши учун маълум вақт талаб қилиниши барчага аён ҳақиқат. Иккинчидан, она сути билан озиқланиб катта бўлган бола ташқи муҳитнинг ҳар хил салбий таъсирларига ва инфекцияга нисбатан чидамли

бўлиб ўсади. Чунки она сутида болага керакли бўлган минерал тузлар, микроэлементлар кўп бўлади. Шунинг учун тиббиёт фани дунёда она сутининг ўрнини босувчи бирор маҳсулот йўқлигини кенг оммага тарғиб қилади. Гўдакларнинг соғлом ва дурқун туғилиши кўп жиҳатда оиладаги тиббий саводхонликка боғлиқ. Шу боис, мамлакатимизда аёлларнинг репродуктив саломатлиги, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада улкан дастурлар татбиқ этилган.

Лола АБДУЛЛАЕВА,
Самарқанд шаҳар 2-сон
туғуруқхонаси бош шифокори,
тиббиёт фанлари номзоди,
Халқ депутатлари Самарқанд
шаҳар кенгаши депутати.



Қатъият

Баъзан инсон юрагида шундай бир чакнаш бўладики, у нафақат ҳаёт йўлини, балки атрофидаги бутун маконнинг рангини ўзгартириб юборади. Ўша чакнаш — орзу бўлади, ният бўлади, лекин энг муҳими — ҳаракатга айлана оладиган истак бўлади. Муҳаббат Рустамжонованинг ҳаёти — айнан шундай ичдан ёниб чиққан чакнашларнинг йўлга айланган ҳикоясидир.

Ҳар бир йўл ичкаридан бошланади. Дунёни ўзгартиришга интилаётган ҳар бир инсон аввало ўзини, ўз нигоҳини, ўз юрагини ўзгартиришдан бошлайди. Тошкент шаҳридаги MDIS университети талабаси Муҳаббат ҳам шунчаки диплом эмас, ўз йўлини излаган эди. “Бизнес ва иқтисодиёт” йўналиши уни рақамлар дунёсига олиб кирган бўлса-да, у ўша рақамлар ортидаги инсонийлик, ғоя ва мақсадни излашдан чарчамади.

Ўша йиллари у 100 дан ортиқ халқаро лойиҳа, саммит, анжуман ташкил этди. Булар шунчаки сонлар эмас — уларнинг ҳар бири ортида минглаб ёшлар, юзлаб ҳикоялар, келажак сари очилган эшиклар туради. У ҳар бир лойиҳани фақат натижа, деб эмас, имконият, деб кўрди. Чунки у ёш эди, лекин ичкарида улғайган эди — инсон сифатида, юракда, тафаккурда.

UNICEF, Model United Nations, UzTEA, Youth Summit — бу номлар унинг ишларига эътибор бер-

Мақсадга айланган миссия

ган йирик халқаро ташкилотлар эди. Аммо эътибор — бу мақсад эмас, восита эди. У натижани эмас, жараённи севарди. Чунки биларди: жараён тўғри бўлса — натижа табиий келади.

Сўнг йўл уни узокқа олиб кетди — АҚШга, Clark университетига. У ерда у “Маркетинг таҳлили” бўйича магистрлик даражасини олди. Фақат билим эмас, ғарб тафаккурини, рақамлар ортидаги инсон хатти-ҳаракатларини, стратегия билан юрак уйғунлашган жойини ўрганди. Бу ерда у Американ Маркетинг Ассоциацияси аъзоси сифатида замонавий кампаниялар яратиш, мижоз психологияси ва рақамли трансформация асосларини чуқур ўзлаштирди.

Аммо ўқибгина қолмади. У ўрганиб, синаб кўриб, кейин ўзи яратди. Ablaze Marketing Corporation компаниясида Marketing Analyst бўлиб иш бошлади. Бу жой — рақамлар, алгоритмлар, бренд кучи, мижоз эҳтиёжи ҳақида бўлди. Лекин у бу жойда ҳам ўз ёндашувини олиб келди: инсонни марказга қўйиш, фақат савдо эмас — қадрият яратиш.

Шу орада у ўз шахсий йўлини яратди: Flourish Minds — бу шунчаки электрон дўкон эмас, балки онгни ўстирадиган, ички дунёни бойитадиган платформа. Pinterest ва SEO орқали уни дунё микёсига олиб чиқди. Уни ҳам бизнес, деб кўриш мумкин. Аммо аслида бу — ички миссиянинг ташқи кўринишидир.

Ҳар қандай юксалиш — синовсиз бўлмайди. Ҳар бир чўкки олдида бир даража бор. Муҳаббат ҳам синовлардан ўтган. Балки безовта тунлар, ёлғизлик, иккиланиш бўлган. Лекин у танлаган: фикрни эмас, ниятни эшитишни. Чунки у ишонган — қачонки юрак виждон билан йўл юрадиган бўлса, у йўл беҳуда кетмайди.

Шунинг учун бўлса керак, у сўнгги йилларда қатор нуфузли мукофотларга сазовор бўлди: “Илм-фан соҳасидаги хизматлари учун” кўкрак нишони, “Ўз

касбининг фидойиси” ва бир неча фахрий ёрликлар, эътирофлар, миннатдорликлар.

Бугун Муҳаббат Рустамжоновна ҳақида олти халқаро илмий мақола чоп этилган. Уларда маркетинг таҳлили, рақамли трансформация, ёшлар лидерлиги, замонавий коммуникациялар ҳақида ёзилган. У мақолалар Финляндия, Германия, Буюк



Британия, Америка каби мамлакатларда нашр қилинган. Улар орқали Муҳаббат энди нафақат ўзи ўрганмоқда, балки илм бериб, йўл кўрсатаётган аёлга айланган.

Унинг иши, ҳаёти, юраги бир нарсани таъкидлайди: “Ҳар бир инсон ичидаги кучга ишонса, дунё ўзгаради.”

Муҳаббат — маркетинг эмас, оддий блогер ҳам эмас. У брендлар яратувчиси, ўзгаришлар ташаббускори, аёллар учун илҳом манбаи, ўз устида ишлашнинг жонли намунасидир. У ўз номини газета сарлавҳасига эмас, ўқувчиларнинг юрагига ёзди. У нафақат натижа яратди — у орзу қилишга журъат берган юраклар уйғотди.

У йўлини бошлаб, ўзини топди. Энди эса — бошқаларга ўз йўлини топишда ҳамроҳ бўлапти.

Бу йўл — ичкаридан бошланади.

Ва у йўлнинг номи — Муҳаббат.

Ислом АСИЛБЕКОВ

ИНТЕРНЕТДА БОЛАЛАР ҲИМОЯСИНИ

таъминлашнинг имкони борми?!

Ижтимоий тармоқларда мобиль қурилмаларга ҳатто гўдак болалар қарам бўлиб қолаётгани, бунинг оқибатида уларда даҳшатли синдром, касаллик ёки одатлар пайдо бўлаётгани ҳақидаги маълумотларга кўзимиз бот-бот тушади. Бунга ҳатто ўрганиб ҳам қолдик. Ёш оналарнинг турмуш ташвишларига қўмилиб, болани овутиш учун қўлига телефон тутқаётгани – бунинг келгусидаги таъсири тўғрисида ўша вақтда тафаккур ҳам қилмаяпмиз.

Масалан, уч ёшли ўғлим YouTube видеохостингидан Жанубий Кореяда ишлаб чиқилган “Тайонинг саргузаштлари” номли анимацион сериални ёки машиналар ҳақидаги бошқа мультфильмларни томоша қилади. Уларни, одатда, онаси ёки опаси қўйиб беради. Болани телефондан ажратишнинг йўли сифатида боғчага чиқардик. Йўкса, планшетни кўтариб, “Тайо” қўйиб бер” деб, хархаша қилаверарди.

Очиғи, Интернет жаҳон ахборот тармоғида турли ҳолис-ноҳолис ахборотлар оқимининг кўпайиши болалар тарбиясига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмаяпти. Бугунги болаларнинг турли технологияларга анча эрта ўрганиб, мослашадиганини уч ёшли фарзандим мисолида кўриб турибман. Бунинг ижобий ва салбий томонлари бор, албатта.

Ижобий томонлари ҳақида гапирадиган бўлсак, тан олиб айтиш керакки, билим олиш, зарур ахборотни излаб топиш имкони кенгайди. Интернет ва технологиялар орқали болалар турли фанлар, тиллар ва касблар ҳақида тез ва кенг маълумотга эга бўлишмоқда. Тарқатилаётган маълумотларнинг тўғри ёки ҳолислиги эса алоҳида масала.

Иккинчидан, болалар қизиқишларига мос турли онлайн китоблар, видеолар ва курслар топиб, ҳар томонлама ривожланиш имконига эга.

Учинчидан, юқорида таъкидлаганимиздек, болалар янги технология ва инновацияларга тез ва осон мослашади. Қачонки, Интернетдан оқилона фойдаланишса, келажакда улар қатта муваффақиятга эришишлари мумкин. Айни шу масала, менимча, нафақат ўзбекистонлик, балки бутун дунёдаги ота-оналар учун оғриқли бўлиб қолаяпти.

Интернетнинг салбий томонлари ҳам кўп бўлиб, энг аввало, болаларни назорат қилиш кундан-кунга қийинлашмоқда. Болани Интернетдан тўлиқ чеклаш – ҳозирги замон учун мантиқсизликка ўхшайди. Нимани кўраяпти, ким билан гаплашмаяпти, деб ҳам уларни туну кун назорат қилишга ҳамманинг ҳам вақти ва сабри етмайди. Демак, бу, ўз навбатида, уларни зарарли контент, ёлғон маълумот ва номақбул инсонлардан ҳимоялаш билан боғлиқ муаммоларнинг юзага чиқармоқда. Ёнг ёмони, юқоридаги каби ҳолатлар асрлар давомида шаклланган оилавий муносабатларимизни заифлаштирмоқда. Минг афсуски, буни ҳар куни кўриб, библи турибмиз.

Халқаро ташкилотларнинг хавотири

БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) нинг 2018 йилдаги тадқиқотида кўра, ҳар куни 175 мингдан ортиқ бола биринчи маротаба Интернетга “қадам” қўяди. Ҳар ярим сонияда бир бола интернетга кириб, виртуал дунё имкониятларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади, шу билан бирга, хавф-хатарларга ҳам дуч келади. Бунга тақиқланган веб-сайтларга кириш ва шахсий маълумотлардан нотўғри фойдаланиш каби ҳолатлар қиради. Бу гап-

га ҳам етти йилдан ошди, шубҳасиз, бу рақамлар ҳам анча ўзгарган бўлса керак.

“Ҳукуматлар ва хусусий сектор онлайн-хавфларни бартараф этиш борасида муайян ютуқларга эришди, бироқ болаларнинг Интернетдаги хавфсизлигини самарали ҳимоя қилиш учун кўпроқ саъй-ҳаракат зарур”, деган эди ЮНИСЕФнинг Маълумотлар ва тадқиқотлар бўйича директори Лоуренс Ченди.

Ўтган йили март ойида ЖССТнинг Европа минтақавий бюроси “Мактаб ёшидаги болаларнинг соғлиғига оид хулқ-атвори” номли тадқиқотни эълон қилган эди. Унда 44 мамлакат ва ҳудуддаги ўсмирлар ўртасида кузатиладиган зўравонлик ва буллинг (таъийк) турлари таҳлил қилинган.

2018 йилдан буён мактабдаги буллинг билан боғлиқ умумий тенденциялар барқарор қолган бўлса-да, кибербуллинг ошган. Бу ҳолат, ўз навбатида, ўсмирлар ўртасида рақамли коммуникациянинг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳаётига жиддий салбий таъсир ўтказиши мумкин.

Тадқиқот натижалари қуйидагича:

– буллинг қилиш: мактабдаги ўсмирларнинг ўртача 6 фоизи тенгдошларига буллинг қилган, бу ҳолат қизларга қараганда (5 фоиз) ўғил болалар ўртасида (8 фоиз) кўпайган;

– буллингга учраш: мактабдаги ўсмирларнинг тахминан 11 фоизи буллингга учраган, бу ҳолат ўғил болалар ва қизлар ўртасида деярли бир хил;

– кибербуллинг қилиш: мактабдаги ўсмирларнинг ўртача 12 фоизи (ҳар саккиз нафардан бир нафари) бошқаларга кибербуллинг қилган. Кибербуллингни ўғил болалар (14 фоиз) қизларга қараганда (9 фоиз) кўпроқ содир этишади. Бу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан: ўғил болалар ўртасида 11 фоиздан 14 фоизга, қизлар ўртасида эса 7 фоиздан 9 фоизга ўсган;


– кибербуллингга учраш: мактабдаги ўсмирларнинг тахминан 15 фоизи (ҳар олти нафардан бир нафари) кибербуллинг қурбони бўлган. Бу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан: ўғил болалар ўртасида 12 фоиздан 15 фоизга, қизлар ўртасида эса 13 фоиздан 16 фоизга ўсган;

– дўппослаш: мактабдаги ҳар ўнинчи ўсмир муштлашган, бу ҳолат ўғил болалар ўртасида (14 фоиз) қизларга (6 фоиз) қараганда анча кўпроқ учрайди.

Умуман олганда, кибербуллинг – ортиб бораётган муаммога айланиб бормоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бу рақамлар ўсмирларнинг медиа саводхонлиги ва хавфсизлигини ошириш учун ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар ўртасида махсус тадбирларни ташкил қилиш, бу борада амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш заруриятини юзага чиқармоқда.

Рақамли дунё ўқиш ва мулоқот учун бебаҳо имкониятларни тақдим этади, бироқ у кибербуллинг каби муаммоларни ҳам кучайтиради. Бу ўсмирларнинг руҳий ва ҳиссий саломатлигини ҳимоя қилиш бўйича кенг қамровли стратегиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ҳисоб-китобларга кўра, бугунги ёшлар Интернетда кунига камида 6 соат вақт ўт-



казади. Шунинг учун кўрkitиш ва зўравонлик даражасидаги ҳар қандай ўзгариш минглаб ўсмирларнинг саломатлиги ва ҳаётига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу фақат соғлиқни сақлаш масаласи эмас, балки инсон ҳуқуқлари муаммоси ҳамдир. Демак, болаларни Интернет ва ҳаётда ҳимоя қилиш учун қатъий чоралар керак.

Хорижий давлатлар тажрибаси қандай?

БМТ ҳисоботида келтирилишича, дунёнинг атиги 21 мамлакатда болаларни интернетдаги тақиблардан ҳимоя қилувчи қонунлар мавжуд. Кўплаб ривожланган давлатларда, жумладан, АҚШнинг қатор штатларида, Австралияда вояга етмаганларнинг Интернетдан фойдаланишини чеклаш, ота-она назоратини кучайтириш масалалари қонун билан мустаҳкамланмоқда.

Европада болаларни Интернетдаги зарарли контентдан ҳимоя қилиш бўйича саъй-ҳаракатлар кучайтирилмоқда. Кўплаб мамлакатлар ҳукуматлари ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш учун ёш тоифасини кучайтиришга рухсат бермоқда. Европа Комиссияси ўтказган тадқиқот шуни кўрсатдики, ёшларнинг 57 фоизи экран қаршида ҳаддан ташқари кўп вақт ўтказиш ва ижтимоий тармоқлар “босими” билан боғлиқ ташвиш ёки депрессияни бошдан кечиради.

Қозғоғистонда 2023 йили “Онлайн платформалар ва онлайн реклама тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мақсади блогерлар ва онлайн-макон фаолиятини тартибга солиш, Интернет фирибгарлиги, кибербуллинг ва ноқонуний рекламага қарши курашишдир.

Бизда ҳам нимадир чора кўрилиши керак

Кўпчиликнинг хабари бўлса керак, бугун “Онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Бу билан ушбу соҳада қатор янгиланишлар назарда тутилмоқда. Хусусан, қонун лойиҳасининг мақсади Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатувчи онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Қонун лойиҳасига биноан онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ваколатли давлат органи белги-

ланиб, ушбу орган томонидан ахборотни ноқонуний контент сифатида белгилаш, онлайн-платформа ва веб-сайтлар мониторинги, ноқонуний контентни ўчириш, унинг жойлаштирилиши ва тарқатилишини тўхтатиш чоралари назарда тутилган. Бу орқали ёш тоифасини қайд этиш, аудиторияга мос контентни тарқатиш ва тарғиб қилиш, болаларни турли ёш ва мафкуралардан муҳофаза қилиш асослари қайд этилган.

Хусусан, қандай ахборотни ноқонуний контент деб баҳолаш учун асослар санаб ўтилган. Жумладан, фуқароларни, шу жумладан, вояга етмаганларни, уларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига ёки бошқа шахсларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига таҳдид соладиган қонунга хилоф ҳаракатларни содир этишга ундашга ёки бошқача тарзда жалб қилишга қаратилган маълумотлар ноқонуний контент сифатида белгиланиши кўзда тутилган.

Шу билан бирга, онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш орқали Ҳукумат ва ваколатли орган томонидан амалга оширилиши лозим бўлган функция ва вазифалар аниқ белгиланган бўлиб, бунда ваколатли орган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ноқонуний контентни аниқлаш, тарқатувчиларга кўрсатма юбориш, роя қилинмаган тақдирда, ҳуқуқ-тартибот ёки суд органларига тақдим этиш орқали вояга етмаган ёшларни турли тақиб ва бузғунчи материаллардан ҳимоялашни таъминлайди.

Қонун лойиҳасида алоҳида белгиланган “Ёлғон ахборотни ўчириш” моддаси орқали ўсиб келаётган авлодни ёлғон маълумотлардан ҳимоя қилиш, уларни асоссиз хабарлар тузоғига илинмаслик чоралари кўзда тутилган.

Хулоса ўрнида

Юқорида халқаро ташкилотларнинг хавотири, хорижий давлатлар тажрибасини бежиз келтирмадик. Ҳатто айрим ривожланган давлатлар ҳам бугун фарзанд тарбияси, миллат келажак билан боғлиқ масалада боши берк қўчага кириб қолган.

Масалан, Буюк Британиянинг “Internet Matters” нотижорат ташкилоти ўтказган сўровномага кўра, Европа Иттифоқи мамлакатларидаги ота-оналарнинг 78 фоизи фарзандлари Интернетда номақбул ёки зарарли контент таъсирига тушиб қолган деб ҳисоблайди ва 68 фоизи ижтимоий тармоқларда ёшни текширишнинг қатъий чораларини қўллаб-қувватлайди. Агар бизда ҳам шундай мазмундаги сўровнома ўтказилса, фоизлар бундан-да кўп бўлса бўладики, кам бўлмайди...

Демак, бу масала хоҳиш-истакка эмас, балки заруратга айланди. Ҳаммаси Интернет ёрдамида боғчада мультфильм кўришдан, мактабда таълим олишдан бошланади. Кейин биз хоҳламаган, биз истамаган “тармоқ”қа, “ҳаёт” ўтиб кетиши мумкин. Ҳамма нарсада имконият бўлгани каби қандайдир маънода тартибга солиш механизми ҳам бўлиши керак.

Умуман олганда, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Интернетда болалар ҳимояси таъминланишига хизмат қилса-да, ундаги нормаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши кенг жамоатчилик, керак бўлса, сизу бизнинг муносабатимизга боғлиқ.

Маъмуржон ПАРПИЕВ,
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги бўлим
бошлиғи

“Бугунги талаба қандай бўлиши керак?” деган савол кўпчиликда ҳали ҳам эскича тасаввурларни уйғотади. Одамлар кўз ўнгида ҳанузгача талаба китоб кўтарган, кўзойнак таққан, дарсга вақтида келадиган, аудиторияда тинчгина ўтирадиган, ўқитувчиларнинг маърузасини сўзсиз қабул қиладиган инсон сифатида гавдаланади. Аммо бугунги манзара бундан бутунлай фарқ қилади. Бугунги талаба – доим интернетга уланган, билимни смартфондан излайдиган, жавобни “ЧатГПТ”дан сўрайдиган, ижодкорликни тайёр шаблонлардан илҳомланиб яратадиган, дунёни ТикТок ёки Instagram орқали таҳлил қила оладиган авлоддир.

БУГУНГИ ТАЛАБА – ЯНГИ ЗАМОННИНГ МУАЛЛИФИ

Бу ҳолатни кўпчилик хавф, деб билади. Катталарда “Ёшлар ёзма-япти, ўқимаяпти, телефонда фақат ўйин ўйнайди,” деган эътирозлар жуда кўп. Аммо бу шунчаки ўзгариш эмас, балки янги давр талабасининг шаклланишидир. Мен бу ўзгаришга хавотир эмас, масъулият ва мажбурият билан қарайман. Чунки ҳар бир замоннинг ҳам ўз дунёсига эга бўлган одамлари борки, уларнинг ўзгача дунёқарашлари, воқеликка нисбатан ўй-фикрлари мавжуд. Улар ўша даврдан келиб чиқиб ўзи танлаган йўналишда билим олишган. Бугунги ёшлар ҳам шундай: улар ҳам замондан келиб чиқиб ўзгача ўйлайди, ўзгача ўрганади ва ўз услубида ҳаётга тайёрланади. Бунинг номи – табиий ўзгариш.

Энди таълим тизими ҳам замондан келиб чиқиб ўзгаришга мажбур. Университетлар, мактаблар ҳамда ўқитувчилар эндиликда фақат билим берувчи эмас, балки йўл кўрсатувчи, илҳом берувчи ва фикрлашга ундовчи восита бўлиб хизмат қилиши лозим. Биз замонавий талабани уришмаслигимиз, уни танқид остига олмай, аксинча, тушунишга ҳаракат қилишимиз лозим. Бугунги талаба – бу биз танқид қиладиган эмас, биргаликда ишлайдиган инсон.

Ҳар бир талаба бугун ўзига савол бериши керак: “Мен бу дунёда фақат томошабинманми ёки иштирокчиманми?” Бу савол – замонавий таълимнинг калитидир. Чунки бугунги дунё томошабинлар эмас, яратадиган, ташаббус кўрсатадиган, янгилик қиладиган авлодни кутмоқда. Бугун биз жамиятни ўзимиз ўзгартирамиз ёки жамият ҳеч қачон ўзгармайди, деган фикр ва қараш билан яшаётганимиз керак. Ўзгариши керак бўлган жамиятни ўзгартирувчи сифатида албатта, ўзимиз ҳам иштирок этишимиз шарт.

Бунинг учун ўз навбатида биз катталар, ўқитувчилар ва раҳбарлар бу ўзгаришларга тайёр бўлишимиз ва уларга бош бўлишимиз ушбу табиий ўзгаришларнинг зарурий шартидир.

Агар талаба телефонда соатлаб “банд” бўлса, уни фақат қоралаш

эмас, балки савол бериш керак: “Нега ўзинг бирор контент яратмайсан?” Агар у “ЧатГПТ”дан жавоб олаётган бўлса, уни дангасаликда айбламасдан, “Нега сен дастурчи бўлмаслигинг керак?” деган савол билан йўналтириш керак. Талаба ҳаётдан нималарнидир кутаётган бўлса, ундан “Сифатли ҳаётни ўзинг қуришга нега уринмайсан?” деб сўраш керак. Чунки рақамли дунё – бу офат эмас. У тўфон ҳам бўлиши мумкин, қанот ҳам. Фарқ – бу технологиялар фақат истеъмол сифатида керакми ёки ундан фойдаланиб қўшимча қиймат яратамизми, фойда оламизми, гап шунда.

Шундай бўлса-да, таълим тизимида ҳанузгача эски ёндашувлар



ҳукм сурмоқда. Аудиторияда жим ўтирган, ўқитувчининг сўзини “доскадан” дафтарга кўчириб олган, жавобни ёдлаган талаба ҳали ҳам “идеал” деб баҳоламоқда. Аслида эса, талаба ҳозир дарсдан чиқиб, СтартУп режасини тузмоқда, сунъий интеллект ёрдамида лойиҳа яратмоқда, ТикТок орқали ўз фикрини оммага етказмоқда. Бу – дарс қилмаяпти, дегани эмас. Бу – ҳаётни бошқа форматда ўрганмоқда, дегани. Буни кўриш учун биз, таълим берувчилар, кўзимизни эмас, дунёқарашимизни ўзгартиришимиз керак.

Мен кўп ҳолларда университет коридорларида талабаларни кузатаман. Кимдир код ёзмоқда, яна кимдир ижтимоий тармоқда видео таҳрирламоқда, бошқаси эса жа-

моавий лойиҳа устида ишламоқда. Улар жим эмас. Улар ўзаро фикрлашмоқда, саволлар беришмоқда, ҳар бир воқеликни шубҳа остида қабул қилмоқда. Бу манзара мени қувонтиради, албатта. Чунки бу – изланиш, ҳаракат ва мантиқ бор дегани. Талаба бугун билимни ўқитувчидан кутмаяпти. У ўзи қидиради. Бу – фикрлаш эркинлиги, мустақил қарор қабул қилиш қобилияти, замонавий инсон учун энг муҳим фазилатларнинг бошланиши.

Бугун университетлар – синовлар, аудиториялар, дафтарларгина

тирилса, у ўз йўлини топади. У йўл баъзан қийин бўлади, баъзан хато билан тўлади. Аммо бу йўл – унинг ўзи топган ва танлаган йўли бўлади. Натижада эса у мустақил, кучли, иродали шахс сифатида шаклланиб, ўзига нисбатан ишонч пайдо бўлади.

Талаба энди аъло баҳога эмас, реал кўникмага интилади. Баҳо-лар эмас, саволлар унга муҳим. “Бу менга ҳаётда керак бўладими?” деган саволни бераётган ҳар бир талаба – ҳозирги таълим тизимига берилаётган ишора. У биздан фақат маълумот эмас, маъно кутмоқда. Ўрганиш ва тушунишни истаяпти. Биз – таълим берувчилар эса, буни қабул қилишимиз, эшитишимиз ва тан олишимиз зарур.

Чунки бизда ўқув режа бор, лекин ҳаётда режасиз саволлар кўп. Бизда баҳолаш мезони бор, лекин ҳаётда ҳеч ким балл қўймайди. Демак, биз талабаларни фақат билим билан эмас, мослашувчанлик билан қуроллантиришимиз керак. Биз уларга аъло баҳо эмас, эркин фикр, ўз қарорини қабул қилиш жасорати, хатога йўл қўйиш ҳуқуқини беришимиз керак.

Хулоса шуки, талаба – бу фақат келажак эмас. Талаба – бугуннинг энг катта имконияти. У – ўзгарувчан куч. Биз – ректорлар, устозлар, раҳбарлар бу табиий ўзгаришга тўсик бўлмаслигимиз, аксинча, уларга далда беришимиз ва қанот бўлишимиз лозим. Биз улардан фақат жимлик, итоат, ёд олишни кутмаслигимиз, балки улардан бизнинг бераётган янги билимларимизга нисбатан шубҳали қарашлар ва саволларни қутишимиз керак. Ва энг муҳими – уларга ишонишимиз керак. Чунки биз эшитишни ўрганадиган бўлсак, қолганини улар ўзлари қиладди. Демак, биз катталар эшитишни ҳам билишимиз керак!

Лочин РАҲМОНОВ,
Осиё технологиялар
университети ректори, иқтисод
фанлари номзоди, доцент

Янги нормалар: АХБОРОТ ҚАЙ ҲОЛЛАРДА НОҚОНУНИЙ ДЕБ ТОПИЛАДИ?

Ўзбекистонда рақамли инфратузилманинг ривожланиши ва интернетга кириш имкониятларининг кенгайиши билан бирга, фойдаланувчилар сони кескин ошиб бормоқда. Бу жараён ахборот соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш заруратини янада оширмоқда.

2017-2025 йиллар оралиғида интернет фойдаланувчиларининг сони 14,7 миллиондан 32,7 миллионгача ошган. Бу икки баробардан ортиқ ўсиш бўлиб, фойдаланувчилар сонининг кўпайиши онлайн ахборот алмашинуви, ахборот тарқатиш суръатлари ва оммавий таъсирчанликнинг кучайишига олиб келмоқда.

Табиийки, бундай шароитда фуқароларнинг ҳуқуқларини, жамият ва давлат хавфсизлигини муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишига айланади. Мана шу жараёнда янги қонунчилик ташаббуслари, хусусан, “Онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши айтиш мумкин.

Мақоламизда қонун лойиҳасининг 13-моддасида белгиланган муҳим нормаларидан бири — ахборотни ноқонуний контент сифатида белгилаш учун асослар ҳақида тўхталамиз.

Аҳамияти ва зарурияти: давлат, жамият ва фуқаро хавфсизлигидаги ўрни

Маълумки, ахборот эркинлиги демократиянинг муҳим пойдевори ҳисобланади. Бироқ, эркинлик ҳеч қачон мутлақ бўлиши мумкин эмас. Эркинлик бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, жамиятнинг ахлоқий ва ҳуқуқий асосларига таъжовуз қилмаслиги шарт. Ноқонуний контент айнан шу чегарани бузadиган ҳолат сифатида намоён бўлади.

Бугунги кунда онлайн майдонда тарқатилган ахборотлар орасида зўравонликка чақириқлар, миллий, ирқий ёки диний адолатни қўзғатувчи баёнотлар, ўз жонига қасд қилишга даъват этувчи ёки шафқатсизликни нормалаштирувчи тасвирлар, ёлгон маълумотлар каби ҳолатлар кенг тарқалган.

Бу ҳолатларда фақатгина техник йўл билан контентни ўчириш етарли эмас – бундай ахборотларни ҳуқуқий жиҳатдан ноқонуний деб топиш ва уларга қарши механизмларни яратиш зарур.

Янги қонун лойиҳасида, айнан ана шундай мақсадда, батафсил белгиланган ҳолда қуйидаги турдаги ахборотлар ноқонуний контент сифатида белгиланмоқда:

“1) амалдаги конституциявий тузумни, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини зўравонлик билан ўзгартиришга чақириқларни ўз ичига олган маълумотлар;

2) оммавий тартибсизликларга, фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга, шунингдек мазкур ноқонуний ҳаракатларни мувофиқлаштиришга қаратилган маълумотлар;

3) жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлгон ахборот;

4) уруш, зўравонлик ва терроризм, шунингдек экстремизм, сепаратизм ғоялари, экстремистик ва террористик ташкилотларнинг атрибутлари ва рамзлари;

5) давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ошкор этувчи маълумотлар;

6) миллий, ирқий, этник ёки диний адолатни қўзғатувчи маълумотлар;

7) жамиятга, давлатга, шу жумладан давлат рамзларига ҳурматсизликни кўрсатувчи номақбул шаклда ифодаланган маълумот-

лар;

8) гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ташвиқот қилувчи маълумотлар;

9) порнографик маҳсулот, шафқатсизликни тарғиб қилувчи, шунингдек ўз жонига қасд қилишга даъват этувчи маълумотлар;

10) фуқароларни, шу жумладан вояга етмаганларни, уларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига ёки бошқа шахсларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига таҳдид соладиган қонунга хилоф ҳаракатларни содир этишга ундашга ёки бошқача тарзда жалб қилишга қаратилган маълумотлар;

11) фишинг ва спам ресурсларга ҳавола-ларни ўз ичига олган маълумотлар;

12) жиноий, маъмурий ёки қонунда белгиланган бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳаракатларни қилишга даъват этувчи маълумотлар.”

Таъкидлаш жоизки, ноқонуний контент сифатида топиладиган маълумотлар янгилик эмас. Уларнинг мазмундаги таҳдидлар, бузғунчи ғоялар ва жамиятга салбий таъсир кўрсатувчи хатарлар амалдаги қонун ҳужжатларида анча аввалдан ўз ифодасини то-пган.

Масалан, Жиноят кодексида амалдаги конституциявий тузумни зўравонлик билан ўзгартиришга даъват қилиш, жамоат хавфсизлигига қарши ҳаракатлар ҳамда порнографик маҳсулотларни тарқатиш мумкин эмаслиги аниқ белгиланган. Хусусан, мазкур ҳаракатлар Жиноят кодексининг IX ва XVII боблари, шунингдек 130-моддаси билан жа-вобгарликка тортилади.

Болаларни зарарли ахборотдан муҳофа-за қилиш масаласи ҳам қонун доирасида алоҳида эътиборда — бу борада «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахбо-ротдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда аниқ тартиб ва чекловлар белгиланган.

Ҳозирги кунда эса интернетдаги фишинг, спам ва каллоблик хавфлари туфайли юз-лаб, балки минглаб фуқаролар молиявий ва ахборот хавфсизлиги жиҳатидан жабр кўр-моқда. Айримлар шахсий маълумотларини йўқотса, бошқалар турли фирибгар схе-маларга алданиб, жамият ва давлатга нисба-тан ишончини ҳам йўқотмоқда. Фишинг ва спам ресурслар тақик фирибгарликнинг олдини олишни кўзлайди. Таъкидлаш ло-зимки, фишинг ва спам ресурслар “Ахбо-ротлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 121-моддасида назарда тутилмаган ва вако-латли органларда шу кунгача ушбу турдаги ахборотларни ўчиртиришга қонуний асо-слар мавжуд эмас.

Бундан ташқари, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 121-моддасида фуқароларнинг шаъни ва қадр-қиммати-га ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралаштиришга йўл қўйувчи ахборот ҳам назарда тутилган. Би-роқ қонун лойиҳасида бу турдаги ахборот ноқонуний контент сифатида киритилма-ган. Бунинг сабаби, қонун лойиҳаси билан фуқароларга бошқа бир фуқаро томонидан жойлаштирилган контент юзасидан плат-формага шикоят бериш механизм назарда

тутилмоқда. Яъни, бу каби муносабатлар иккита фуқаро ўртасида суд орқали ҳал эти-лади.

Кўриниб турганидек, мазкур норма ҳо-зирги кунгача тарқоқ ҳолда мавжуд бўлган, ахборот тарқатилиши чекланган ҳолатлар-га оид нормаларни ягона рўйхат доирасида бирлаштириб, фуқароларнинг ахборот мако-нида хавфсизлиги ва ҳуқуқий кафолатлари-ни мустаҳкамлашга қаратилган.

Ҳуқуқий ёндашувлардаги умумийлик

Халқаро тажрибага назар ташласак, ах-боротни ноқонуний деб топиш бўйича ме-ханизмлар деярли ҳар бир давлатда мавжуд. Улар одатда конституциявий тузум, жамоат хавфсизлиги ва фуқаролар ҳуқуқларини ҳи-моя қилишга йўналтирилган. Бир нечта мам-лакатлар мисолида кўриб чиқамиз:

Германияда 2017 йилда қабул қилинган Network Enforcement Act (NetzDG) қонуни ижтимоий тармоқларда нафратни тарқату-чи, жиноий мазмундаги ахборотни 24 соат ичида ўчириш мажбуриятини белгилайди. Бу қонун фуқароларни кибер-таҳдидлар ва ра-дикализмдан ҳимоя қилиш мақсадида жорий этилган.

Францияда 2021 йилда қабул қилинган “Séparatisme” қонуни жамоат хавфсизлиги ва динлар ўртасида низоларнинг олдини олиш мақсадида, интернетда тарқатиладиган маъ-лумотларга нисбатан чекловларни кучайтир-ди. Унда нафрат қўзғатувчи ва жамоат тар-тибига таҳдид солувчи контентларга қарши ҳуқуқий чоралар белгиланган.

АҚШда сўз эркинлиги Конституция би-лан ҳимояланган бўлса-да, “clear and present danger” концепцияси асосида жамоат хавф-сизлигига аниқ таҳдид солувчи ахборотлар (масалан, террористик даъватлар, порногра-фия, болаларга нисбатан зўравонлик) суд қо-рорисиз ҳам блокраниши мумкин.

Жанубий Корея ахборот хавфсизлигига доир мустаҳкам тизимга эга бўлиб, Korea Communications Standards Commission орқа-ли ноқонуний контентни назорат қилиш би-лан шугулланади. Бу орган терроризм, пор-нография, зўравонлик, сохта маълумот ва давлатга таҳдид солувчи ахборотларни тез-кор блоклаш ваколатига эга.

Ўзбекистонда ҳам интернет фойдала-нувчилари сони охиригача саккиз йилда икки бараварга ошганини ҳисобга олсак, фуқаро-лар ҳуқуқларини онлайн маконда ҳимоя қи-лиш нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий ва ахлоқий заруратга айлангани яққол намоён бўлади.

Ҳар қандай янги қонун ижтимоий буюрт-манинг ифодаси бўлиши керак. Бу лойиҳа — айнан шундай эҳтиёжга жавоб. Энди масала унинг қабул қилиниши ва ҳаётга тўлақонли жорий этилишида. Чунки рақамли хавф-сизлик — бу шунчаки техник масала эмас, балки инсон ҳуқуқларининг ҳимоясини таъ-минлашдаги энг замонавий йўналиш ҳисо-бланади.

Садокат АСЛАНОВА,
Ахборот ва оммавий коммуникациялар
агентлиги бўлим бошлиғи.

Муассислар:

Экология, атроф-
муҳитни муҳофаза
қилиш ва иқлим
ўзгариши вазирлиги

Ўзбекистон
маҳаллалари
уюшмаси

Савдо-саноат
палатаси

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати — Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси

Таҳрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САИДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Камолиддин
ИШАНХОДЖАЕВ
Даврон ВАҲОБОВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Максуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-510
Адади: 1600
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

«Жамият»
ижтимоий-сиёсий газетаси
2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

ҚАНОТ ЁЗГАЙ ДИЛБАР НАВОЛАР

Кўшиқ — инсон ҳаётининг гултожи, маънавий юксалишининг гўзал ва улугвор тимсоли. Аслида, инсон бу дунёда кўшиқсиз, навосиз яшай олмайди. Шундай экан, жамиятимизда доимо яшаб қоладиган, умрибоқий кўшиқлар ҳамиша бор бўлсин, дегимиз келади.

*Куйлагай олам бу кун,
Ҳар қадам пайдо кўшиқ.
Ҳар кўшиқ дил мулкидир,
Эл анга шайдо кўшиқ.*

Бекободлик хушовоз хонанда Ёқубжон Соҳибов аллақачон мухлислари қалбидан жой олган, кўшиқлари билан тингловчилар эътиборини қозона олган иқтидорли санъаткорлардан бири. Ўқувчилик давридаёқ мусиқа тўғаракларига мунтазам қатнашиб юрган истеъдод соҳиби албатта кўшиқчи бўламан, улуг санъаткорлар этагидан тутаман, дея ният қилган эди. Ана шу эзгу истаклар, санъат йўлидаги қизиқишлар Ёқубжонни 1982 йили тумандаги 14-умумтаълим мактабини тамомлагач, санъат соҳасида ўз билимини ошириш учун маданий-оқартув техникуми сари йўллади. Техникумни муваффақиятли тугаллаган ёш истеъдод соҳиби ҳарбий хизматни ҳам ўтаб қайтди.

Ёқубжоннинг ўзи туғилиб ўсган Бекобод туманидаги маданият бўлимига ишга қабул қилиниши унинг ҳаётида катта бурилиш даври бўлди. У ушбу масканга бекорга келмаган экан. Айнан ўша йилларда

унинг кўшиқчилик қобилияти, истеъдод қирралари яққол намоён бўла бошлади. Ёқубжоннинг соҳир овозини дилдан ҳис этган мутасаддилар уни тумандаги “Зафар тароналари” ашула ва рақс ансамблига ишга таклиф этишди. Ўша йиллари бу ансамблда Азимжон Мўминов, Раимкул Баратов, Иномхон Акрамов сингари забардаст мусиқачилар, созандаю бастакорлар меҳнат қилишар эди. Ёқубжон айнан ўша устозлардан кўшиқчиликнинг ўзига хос нозик жиҳатларини ўрганди, ҳамкорликда янги кўшиқлар яратди.

Шоирлардан Фурқат, Зоҳиджон Обидов, Охунжон Ҳакимов, Муҳаммад Юсуфнинг шеърларига басталанган янги кўшиқлар дунёга келди. Бу орада Ўзбекистон радиосининг “Машғал” каналда Ёқубжон Соҳибов-

нинг ярим соатлик кўшиқлар дастури мунтазам берила бошланди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, хонанданинг ижоди айниқса, мустақиллик йилларида баравж паллага кирди. “Ўзбекистон — Ватаним маним” кўрик-танловининг вилоят ва республика босқичларида доимий қатнашиб келди ҳамда кетма-кет совринли ўринларни қўлга киритди.

Ўзбек мумтоз кўшиқларини маромига етказиб ижро этишда устози, машҳур ҳофиз Қодир

рига басталанган кўшиқлар ҳам Ёқубжонни элга танитди.

Хонанда Бекобод туманида туғилиб вояга етган таниқли шоир Ашурали Боймурод билан кўп йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келади. Шоир ва ҳофиз ҳозиргача ўндан зиёд кўшиқларни мухлислар эътиборига ҳавола қилишди. Айниқса, улар орасида “Оналар”, “Нетай мен”, “Шукр дўстлар”, “Золим”, “Қаро кўз” сингари кўшиқлар тезда оммалашиб кетди ва кўпчиликнинг эътиборини қозонди. Дилбар ва жозибали кўшиқлар тез қанот ёзади, деганлари шу бўлса керак.

— Санъаткор ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмаслиги, доимо изланишда бўлиши лозим, — дейди Ёқубжон Соҳибов. — Шу жиҳатдан олиб қарасам, ҳали орзуларим мўл. Янги-янги кўшиқлар яратиш истагидаман. Албатта, бунинг учун ҳали кўп ишлашим, меҳнат қилишим, изланишим керак.

Ёқубжон Соҳибовнинг эзгу истакларига биз ҳам қўшилдик. У доимо ижод ишқи билан банд. Изланганга толе ёр бўлиши, шубҳасиз.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.

Ёқубжоннинг ўзи туғилиб ўсган Бекобод туманидаги маданият бўлимига ишга қабул қилиниши унинг ҳаётида катта бурилиш даври бўлди. У ушбу масканга бекорга келмаган экан. Айнан ўша йилларда унинг кўшиқчилик қобилияти, истеъдод қирралари яққол намоён бўла бошлади. Ёқубжоннинг соҳир овозини дилдан ҳис этган мутасаддилар уни тумандаги “Зафар тароналари” ашула ва рақс ансамблига ишга таклиф этишди.

Мирашуровдан кўп нарсани ўрганди. Навоий ва Бобур ғазаллари билан ижро этилаётган кўшиқлар ҳозир ҳам мухлислари томонидан севиб тингланмокда. Шунингдек, замонавий ўзбек шоирларининг шеърла-

